

**КАСИМОВА Гульяр Ахматовна,**

Тошкент молия институти «Пенсия иши»  
кафедраси фахрий профессори;

**АМЕТОВА Фотима Розматовна,**

Тошкент молия институти «Пенсия иши»  
кафедраси ўқитувчиси

# ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАРДА ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ ХАРАЖАТЛАРИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

УДК 334

---

## **КАСИМОВА Г.А., АМЕТОВА Ф.Р. ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАРДА ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ ХАРАЖАТЛАРИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ**

Мақолада хорижий мамлакатлар амалиётида ижтимоий ҳимоя тизимининг асосий йўналишлари ҳамда молиялаштириш масалалари, шу билан бирга пенсия таъминоти тизимининг чет эл таржибалари ўрганилган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасида пенсия тизимини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар келтирилган.

Таянч иборалар: ижтимоий соҳа, ижтимоий ҳимоя, пенсия тизими, пенсия дастурлари, белгиланган тўловли пенсия режаси, белгиланган бадалли пенсия режаси, пенсия фондлари, боғлиқлик кўрсаткичи, ўртача умр кўриш давомийлиги, жамғариб борилувчи пенсия таъминоти.

---

## **КАСИМОВА Г.А., АМЕТОВА Ф.Р. ОСОБЕННОСТИ ФИНАНСИРОВАНИЯ РАСХОДОВ СОЦИАЛЬНОЙ ЗАЩИТЫ В ЗАРУБЕЖНЫХ СТРАНАХ**

В статье рассматриваются основные тенденции и проблемы финансирования системы социальной защиты в практике зарубежных стран, а также зарубежный опыт системы пенсионного обеспечения. Кроме того, представлены рекомендации по совершенствованию пенсионной системы в Республике Узбекистан.

Ключевые слова: социальная сфера, социальное обеспечение, пенсионная система, пенсионные планы, пенсионные планы с установленными выплатами, пенсионные планы с установленными взносами, пенсионные фонды, коэффициент зависимости, средняя продолжительность жизни, накопительное пенсионное обеспечение.

**KASIMOVA G.A., AMETOVA F.R. THE SPECIFIC FEATURES OF FINANCING EXPENDITURES OF SOCIAL PROTECTION IN DIFFERENT COUNTRIES**

In the article are presented main trends and financing of social defense expenditure in the practice of some countries, and also their experience for pension provision system. In addition, there are provided suggestions and recommendations for the improvement of the pension system in the Republic of Uzbekistan.

Key words: social sphere, social security, pension system, pension plans, defined benefit pension plans, defined contribution pension plans, pension funds, dependency ratio, the average life expectancy, the accumulative pension provision.

**Мамлакатдаги аҳолининг ижтимоий фаол ҳолати – ҳар бир меҳнатга лаёқатли фуқаро ўзи ҳақида ўзи қайғуриши, муносиб яшаши учун мустақил меҳнат қилиши кераклигини англатади. Ҳар бир фуқаро, аввало, даромад келтирадиган ижтимоий фаолият билан шуғулланишга интилиши, тирикчилик қилиши учун зарур бўлган мутахассисликларни эгаллаши, ўз устида тинмай ишлаши ҳамда жамият берган ҳуқуқий имкониятлардан фойдаланган ҳолда ўзининг актив фаолиятини такомиллаштириб бориши зарур.**

Жамиятни бошқараётган давлат томонидан берилган имкониятлардан фуқаролар ўзларини ижтимоий аҳволларини яхшилашда фойдаланишлари лозим. Шу билан бирга, янги техника ва технологияларни ўзлаштиришда мутахассисларнинг иштирок этиши, замонавий техникани ўрганиш бўйича малакасини ошириш учун берилаётган имкониятлардан фойдаланиш орқали фуқаролар янги имкониятларни қўлга киритиб, юқори даромадга эга бўлиши ҳамда ўз ҳаётини фаровон бўлишини таъминлашлари лозим.

«Ижтимоий ҳимоя» тизими тушунчасининг моҳиятини очиб беришда иқтисодчи олимлар, хусусан, мамлакатимиз олимлари ўзларининг фикрларини билдирдилар. Профессор А.В.Ваҳобовнинг фикрича, «Бозор муносабатларига ўтиш даврида ижтимоий ҳимоя ўзининг манзилини ўзгартирмоқда, яъни у аҳолининг ўзини муайян бир шароитда ҳаёт кечириш учун зарур бўлган неъматларни энг кам даражаси билан таъминлай олмайдиган

қатламларига мақсадли йўналтирилмоқда»<sup>1</sup>. Муаллиф фикрича, манзилли «ижтимоий ҳимоя» деганда, муайян вақт оралиғида аҳолининг айнан муҳтож қатламига йўналтирилган ижтимоий қафолатларни тушунишимиз лозим.

Ҳозирги босқич учун ижтимоий ҳимояга келтирилган ушбу таъриф унинг манзиллилигини аниқ акс эттиради. Чунки ҳозирги босқичда ижтимоий ҳимоянинг аниқ йўналтирилганлиги, манзиллилигига катта эътибор берилмоқда. «Ҳаётнинг ўзи ва халқнинг талаблари бизнинг олдимизга амалий ечимини топиш лозим бўлган янги ва янада мураккаб вазифаларни қўймоқда... Қариялар ва ногиронларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича тасдиқланган дастурни амалга ошириш алоҳида назоратга олиниши керак. Ҳар бир имтиёз ва ижтимоий

<sup>1</sup> Ваҳобов А.В. Бозор муносабатларига ўтиш босқичидаги кўп укладли иқтисодиёт ва унинг такроран ҳосил бўлиши. Монография. – Т.: «Молия», 2002. –36-б.

1-расм. Хорижий мамлакатларда ижтимоий ҳимоя тизимлари<sup>1</sup>.

ҳимоя чораси ўз эгасига етиб бориши даркор<sup>2</sup>».

Иқтисодиёт бўйича 1998 йилги Нобель мукофотининг лауреати ҳиндистонлик иқтисодчи Амартия Сеннинг назарий ишланмалари инсон салоҳиятини ривожлантириш муаммосига улкан таъсир кўрсатди. Амартия Сен концепциясида инсон учун имкониятларни кенгайтириш ва унинг ривожланишини таъминлаш каби асосий масалалар мавжуд. А.Сеннинг фикрича, ижтимоий ривожланишнинг мақсади ишлаб чиқаришни чексиз кўпайтиришгина эмас, балки одамларнинг кўпроқ ишлаши, билимларни эгаллаши, узоқ умр кўриши, касалликлардан холи бўлиши учун имкониятлар яратишда, деб ҳисоблайди. Бундай баҳолаш тизимининг энг муҳим вазифаларидан бири – инсон қадриятларини ҳисобга олишдир.

Жаҳон миқёсида ижтимоий ҳимоя йўналишлари қуйидагилардан иборат:

<sup>1</sup> Тадқиқотлар жараёнида ижтимоий ҳимоя ва пенсия таъминотида оид ўрганилган адабиётлар асосида тайёрланди.

<sup>2</sup> Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. // Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якуналари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси. // «Халқ сўзи», 2017 йил 16 январь.

– ёшга доир, ногиронлик ва боқувчисини йўқотганлик ҳолатлари;

- касаллик туфайли ва туғруқ ҳолатлари;
- иш фаолиятида жароҳатланиш;
- ишсизлик;
- оилага ижтимоий нафақалар<sup>3</sup>.


Ижтимоий ҳимоя тизимлари турли мамлакатларда турлича амалга оширилиб келинган. 1-расмда хорижий мамлакатлар амалиётидаги ижтимоий ҳимоя тизимлари берилган.

Скандинавия тизимида мамлакатда яшовчи фуқаролар ижтимоий таъминот ҳуқуқига, барча ишловчилар иш ҳақиға қараб имтиёзлар олиш ҳуқуқига эга. Давлатнинг асосий вазифаси тўлиқ бандликни таъминлашдир, масъулият давлатга юкланади.

Бисмарк тизимида жамият барча аъзоларига маблағ даромад топишга ижтимоий таъминот учун имконият яратилади. Давлатнинг асосий вазифаси аҳоли даромадларини ошириш ва ҳимоялаш ҳисобланади, бунда масъулият ишловчига юклатилади.

Беверидж тизимида ҳар бир фуқаро касалланганда, кексайганда, ҳомиладорликда, вафот этганда ижтимоий нафақа ёки пул кўринишдаги ёрдам билан камраб олинади. Давлатнинг асосий вазифаси фуқароларнинг минимал даромадларини ҳимоялашдир, демак, маъсулият давлатга юкланади.

<sup>3</sup> John W.R. Phillips Social Security Programs Throughout the World: Europe, 2016, p-4, ISSA.

2-расм. Пенсия тизими турлари<sup>1</sup>.

Швециялик олим Эспинг-Андерсон 1991 йилда ижтимоий ҳимоя тизимини қуйидагича гуруҳлашни таклиф этди.

**Либерал тури.** Ижтимоий ёрдам бериш мезони – муҳтожликни текшириш, давлатнинг ижтимоий ёрдамини эркин бозордан ажратиш, манзилли ёрдамга интилиш билан ажралиб туради. Асосий мақсади – камбағалликни йўқотишдир. Илк бор Буюк Британия, Японияда фойдаланила бошланган.

**Консерватив тури.** Мезони белгиланган вазифаларнинг бажарилишини текшириш, ижтимоий суғурталашнинг классик тизимини қўллаш, аввалги хизматлари учун ёрдамнинг тўлови сифатида бўлишига интилиши билан ажралиб туради. Мақсади – ишга лаёқатли даврда эришилган турмуш даражасини сақлаб қолиш. Германия, Ғарбий Европа мамлакатларида биринчи бор фойдаланилди.

Россиялик олим Е.В.Тишин ижтимоий муҳофаза, пенсия таъминоти тизими, ижтимоий ҳимоя дастурларининг ривожланиш тамойиллари нуқтаи назаридан қуйидагича таснифлашни таклиф этди:

- АҚШ, Англия, Канададаги консерватив тизим;

- Швеция, Дания, Швейцария, Люксембургдаги ижтимоий-демократик тизим;

- Австрия, Германиядаги ижтимоий жамият назариясига асосланган тизим;

- Франция, Белгия, Япониядаги умумий фаровонлик давлати назариясига асосланган тизим.

Пенсия таъминоти тизими ижтимоий ҳимоянинг бир бўғини сифатида юзага келди. Дастлаб пенсия таъминоти давлат томонидан тўлиқ кафолатланган бўлса-да, кейинчалик иқтисодиётнинг трансформациялашуви натижасида ушбу соҳа авлодлар ўртасида даромадларни қайта тақсимлаш вазифасини бажарди. 2-расмда хорижий мамлакатлар амалиётидаги пенсия тизими берилган.

Пенсия таъминоти тизимидаги тақсимлаш тамойили кўпчилик хорижий мамлакатларда, шу қатори Ўзбекистон пенсия тизимида ҳам асосий тамойил бўлиб ҳисобланади. Хорижий мамлакатлар амалиётида пенсия таъминоти пенсия режалари асосида амалга оширилади. Кўпчилик мамлакатлар амал қилаётган асосий пенсия режалари – белгиланган бадалли пенсия режаси (ингл. Defined contribution-DC) ҳамда белгиланган тўлови пенсия режасидир (ингл. Defined benefit-DB). Белгиланган тўлови пенсия режасида, иш берувчи ходимга унинг иш ҳақи ва ишлаган йиллари

<sup>1</sup> Тадқиқотлар жараёнида ижтимоий ҳимоя ва пенсия таъминотига оид ўрганилган адабиётлар асосида тайёрланди.

асосида пенсия тўловларининг белгиланган даражасини кафолатлайди. Иш берувчининг белгиланган тўловлар бўйича режаларни молиялаштириши учун иш берувчилар томонидан пенсия бадалларини талаб этади, хусусий тармоқда бундай режалар ишчилар томонидан бадалларни талаб этмас-да, давлат тармоғида ишчидан ўз ҳиссасини қўшишни талаб этади. Бу иш берувчининг кафолатланган тўловларни тўлаш учун етарли молиявий ресурсларни топиш масъулиятидир. Бадаллар аниқ дастурида, ишчи меҳнат ҳақидан белгиланган фоиз ёки индивидуал тартибда қисман ёки тўлиқ ҳажмда келишилган иш берувчининг ажратмаси асосида меҳнат ҳақи фондидан мажбурий ажратма ажратади<sup>1</sup>.

Хориж амалиётида ёшга доир, ногиронлик ва боқувчисини йўқотганлик пенсия дастурларини молиялаштириш манбалари кўрсатилади:

- ишчилар томонидан ойлик иш ҳақидан тўланувчи фоиз тўловлар;
- иш берувчи томонидан тўланувчи фоиз бадаллари;
- давлат томонидан тўланувчи бадаллар.

Юқоридаги жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, бир қатор мамлакатларда аҳоли сони кўп бўлишига қарамасдан, ундаги 65 ёш ва ундан катта ёшдагиларнинг улуши бир мунча оз. Масалан, 2016 йил ҳисобига Россияда умумий аҳоли сони 144,10 миллион кишини ташкил этган бўлиб, 65 ва ундан юқори ёшдагиларнинг улуши 13,4%га тенг бўлган. Финляндия давлатини таҳлил қиладиган бўлсак, умумий аҳолиси 5,48 миллион бўлгани ҳолда ундаги 65 ва ундан юқори ёшдагиларнинг улуши 20,5%ни ташкил қилмоқда. Кўриниб турибдики, танланган мамлакатларда умр кўриш давомийлигининг турли хиллиги кузатилмоқда. Ушбу кўрсаткич Германияда эркакларда 78,6 ва аёлларда 83,3 ёш, Украинада мс равишда 66,3 ва 76,4 ёш ҳамда Италияда 80,3 ва 85,2 ёшни ташкил

қилади. Шунга қармай белгиланган пенсияга чиқиш ёши деярли бир хил, яъни эркаклар учун 60-65 ёш ўртасида ҳамда аёлларда 55-65 ёш ўртасида белгиланган. Эрта пенсия чиқиш ёши Россия, Буюк Британия, Украина, Туркия мамлакатларида мавжуд эмас, Бу кўрсаткич Германияда 63 ёшга, Австрияда 59 ёшга, Польшада 55 ёшга тенг.

Деярли барча ижтимоий суғуртага асосланган пенсия дастурлари ишчи ва иш берувчи тўлайдиган бадаллар ҳисобига молиялаштирилади. Бунда иш берувчи кўпроқ улушга эга. Ҳукумат тўлайдиган бадаллар умумий даромаддан ёки кам ҳолларда алоҳида жамғармалар ёки акциз солиқлари манбасидан амалга оширилади.

Хорижий мамлакатларда ёшга доир пенсиялар одатда фуқароларга 60 ва 65 ёш оралиғида тўланади. Баъзи мамлакатларда, пенсиялар тўлиқ стаж (30-40 йиллик меҳнат стажи) мавжуд бўлганда ёшидан қаътий назар тўлаб берилади. Ҳозирги кунда бир қатор мамлакатлар пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлишда пенсия ёшини босқичма-босқич оширмоқда, яъни бунга демографик ҳолатнинг таъсири остида бюджетдаги чекловларнинг ўсиши сабаб бўлмоқда.

Жаҳон амалиётида кузатилаётган пенсия тизимига салбий таъсир кўрсатадиган омиллар қуйидагиларни ўз ичига олади:

- аҳоли таркибида пенсия ёшидагилар улушининг ошиши;
- пенсия олувчининг умр кўриш давомийлигининг узайиши;
- пенсияга чиқиш ёшининг қисқариши;
- мамлакатда туғилишнинг камайиши;
- ишсизликнинг ўсиши.

**Швеция.** Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизими швед «умумий фаровонлик давлати»нинг асосий унсури ҳисобланади. Давлат ижтимоий ночор аҳоли тоифаларига ижтимоий неъматларни қайта тақсимлаш вазифасини ўз зиммасига олади. Жамиятда юзага келган эҳтиёжлар даражасига мос юқори нафақалар миқдори турларининг хилма-хиллиги (пенсиялар, нафақалар, уйларда қарияларнинг яшашини таъминлаш)ни белгилайди. Пенсиялар (қарилик, хизмат йиллар

<sup>1</sup> Jun Peng. State and Local Pension Fund Management. – USA.: «Auerbach Publications», 2008. P. 3.

**Хорижий мамлакатларда демографик ҳолат ва бошқа ижтимоий ҳимоя билан боғлиқ кўрсаткичлар, 2016<sup>1</sup>**

Мамлакатлар	Умумий аҳоли (миллион)	65 ва ундан юқори ёшдагиларнинг улуши (%)	Боғлиқлик кўрсаткичи (%)*	Умр кўриш давомийлиги (йилларда)		Белгиланган пенсияга чиқиш ёши		Эрта пенсияга чиқиш ёши	
				Эркактлар	Аёллар	Эркактлар	Аёллар	Эркактлар	Аёллар
Россия	144,10	13,4	43,1	65,0	76,0	60	55	-	-
Буюк Британия	65,14	17,8	55,1	79,3	82,9	65	63	-	-
Германия	80,62	21,1	52,0	78,6	83,3	65,25	65,25	63	63
Испания	46,42	18,8	50,8	80,2	86,1	65,33	65,33	65,33	65,33
Италия	60,80	22,4	56,5	80,3	85,2	66,58	65,58	63	63
Финландия	5,48	20,5	58,3	78,3	84,1	65	65	63	63
Австрия	8,61	18,8	48,2	78,8	84,0	65	60	64	59
Белгия	11,29	18,2	54,2	78,1	83,2	65	65	62	62
Португалия	10,35	20,8	53,5	77,6	84,0	66,17	66,17	55	55
Польша	38,00	15,5	43,8	73,4	81,3	65	60	60	55
Украина	45,20	15,3	43,3	66,3	76,4	60	57,5	-	-
Туркия	78,67	7,5	49,7	72,0	78,5	60	58	-	-
Чехия	10,55	18,1	49,5	75,3	81,4	63	62,33	60	59,33

\* 14 ёшгача ва 65 ёки ундан юқори ёшдаги аҳоли сонининг 15-64 ёшдаги аҳоли сонига нисбати.

учун, ногиронлик бўйича, боқувчисини йўқотганлик ҳолати) ва нафақалар (уй-жойга, таълим олиш, ишсизлик бўйича) ижтимоий таъминотнинг муҳим турлари ҳисобланади. Оддий швецияликнинг пенсия таъминоти даражаси пенсияга кетиш чоғида турмуш тарзини тубдан ўзгартирмаслик имконини беради. Швецияда пенсияларнинг исталган турини ҳисоблашга меъёрлаштириш тамойили асос қилиб олинган. Швецияда ишлаган йиллар учун пенсия олиш ҳуқуқига 65 ёшга етган шахслар эга. Пенсия ҳажми уни олувчининг даромадига боғлиқ, аммо иш ҳақи юқори бўлса, 30 йиллик меҳнат стажининг тахминан 60 фоизини ташкил қилади. 1916 йилда киритилган ишлаб чиқаришда ишга кетиш ёки қайтишда йўлда шикастланиш ҳолатларида ҳам касб касалликлари вазиятидаги суғурталаш мамлакатдаги мажбурий суғурталашнинг энг эски турларидандир. Мамлакатда 1891 йилдан касаллик ва ногиронлик бўйича суғурталаш амалга кири-

тилган. Амалдаги қонунчиликда шикастланган ёки касб касаллигига чалинганларга камида 90 кун давомида дори-дармон харажатларини қоплашга пенсия ва нафақалар тўланади. Бу муддат ўтгандан кейин ногирон тўлиқ иш ҳақи (100%) мос суммада тўланадиган ҳаёт суғуртаси бўйича суғурта қопламасини олади.

Швецияда 1999 йилдан бери янги пенсия тизими амал қилиб келмоқда. Бунда пенсиялар уч қисм бўйича тақдим этилади: шартли жамғариш, жамғариб бориш ҳамда кафолатли пенсиялар.

Пенсия таъминотининг шартли жамғариш тамойили тақсимлаш (PAYG-Pay as You Go) тамойилига асосланади. Ишчиларнинг иш ҳақидан мажбурий тарзда ажратмалар ҳисобига шакллантирилади. Швецияда мажбурий ажратмалар умумий иш ҳақининг 16 фоизини ташкил қилади. Пенсия миқдори ажратилган шартли бадаллар ва умр кўриш давомийлиги асосида белгиланади. Шартли жамғариш бадаллари мамлакатнинг демографик ҳолати ҳамда иш ҳақининг ўсиши ҳисобига индексация қилиб борилади. Бу

<sup>1</sup> John W.R. Phillips Social Security Programs Throughout the World: Europe, 2016, p-21, ISSA.

турдаги пенсия фуқаро 61 ёшга тўлганда берилади.

Жамғариб бориловчи пенсия миқдори шартли жамғариб бориловчи пенсия қийматига ўхшаб ишчининг иш ҳақидан 2,5 фоиз миқдорида индивидуал пенсия ҳисобрақамига жамғариб борилади. Шартли жамғариш тамойилидан фарқли равишда жамғариб бориладиган пенсия ҳисобрақамларидаги пул маблағлари пенсия фонди томонидан инвестиция қилиниши мумкин. Ишчи ўз хоҳишига кўра пенсиясини исталган хусусий пенсия фонди ёки бир нечта фондларда жамғариб бориши мумкин. Швецияда фондларнинг инвестиция фаолияти чекланган. Пенсия фондлари учун мамлакат молия вазирлиги масъул ҳисобланади, яъни пенсия фондларида ҳар йиллик молиявий текширув ўтказида ҳамда миллий парламентга ҳисобот бериб боради. Айтиб ўтиш жоизки, ҳозирда Швецияда 500 дан ортиқ пенсия фондлари фаолият юритмоқда. Жамғариб бориловчи пенсияни фуқаро 61 ёшга тўлганда олиш ҳуқуқига эга бўлади.

Кафолатли пенсия кам миқдордаги шартли жамғариладиган ва жамғариб бориловчи пенсияларни оловчи ёки умуман пенсия олмайдиган фуқароларга тайинланади. Кафолатли пенсия давлат бюджетидан молиялаштирилади ва фуқаро 65 ёшга тўлгандагина берила бошлайди. Бу турдаги пенсиянинг тўлиқ ҳажми 25 ёшдан буён 40 йил давомида шу мамлакатда яшаётган шахсларга белгиланади. Ҳар бир етмаган йил учун кафолатли пенсия миқдори 1/40га камайтирилади. Бундан ташқари Швецияда ихтиёрий пенсия таъминоти ҳам мавжуд. Бу пенсия таъминоти иш берувчи ва ишчи ўртасидаги жамоавий шартнома тузиш тарзида кенг тарқалган. Бу деярли 90% ишчини қамраб олади ва кўшимча пенсия билан таъминлайди.

**Буюк Британия.** Ушбу мамлакат давлат пенсия таъминоти тизими амалга оширилиб келинаётган энг қадимги мамлакатлардан биридир. Дастлабки пенсиялар 1908 йилда, яъни ёшга доир пенсия тўғрисидаги қонун қабул қилинган пайтда берила бошланган. Буюк Британияда замонавий пенсия тизими

бошқа хорижий мамлакатлар сингари кўп поғоналидир.

**Базавий даража.** Базавий даражада бериладиган пенсиянинг асосий элементи бўлиб давлат пенсиялари ҳисобланади. Бу пенсия эрактарга 65 ёшга тўлганда ҳамда аёлларга 60 ёшга тўлганда берилади, пенсия тайинланишида суғурта бадаллари ҳамда тўланган йиллар инobatга олинади. Агар ишчининг даромади белгиланган ўлчамдан баланд бўлса, у бу бадалларни тўлаб бориш билан бирга алоҳида суғурта стажини ҳам йиғиб боради. Ушбу суғурта стажи ёрдамида базавий пенсия миқдори аниқланади. Базавий пенсия белгиланган даражадан катта бўлиши мумкин эмас.

**Мажбурий даража.** Ушбу даражадаги пенсиялар ҳам тақсимлаш тамойилига асосланади ва ишчининг бадаллари ҳисобига молиялаштирилади. Базавий даражали пенсиядан фарқли равишда бунда пенсия миқдори билан тўланган бадаллар миқдорлари ўртасида тўғридан-тўғри боғлиқлик мавжуд. Иккинчи даражали пенсия таъминоти давлат пенсия дастурлари ёрдамида, ишчининг ойлик иш ҳақига мос тарзда амалга оширилади. Агарда ишчи давлат пенсия дастурида қатнашишни истамаса, ишчи бу дастурдан чиқиши ва бирорта кўшимча пенсия таъминотида қатнашиши даркор. 2002 йилдан бошлаб бу пенсия дастури кам даромадли ва ногиронларга бериладиган «иккинчи даражали давлат пенсияси» дастурига айланиб бормоқда.

**Кўшимча пенсия таъминоти.** Буюк Британияда жамғариб бориловчи хусусий пенсияларнинг турли йўллари мавжуд. Энг кўп тарқалгани бу профессионал пенсия тизими ҳисобланади. Ишчилар иш берувчи билан пенсия тўловини шакллантирадиган ҳамда пенсия таъминоти учун ажратиладиган бадалларга асосан жамоавий шартнома тузади. Кўпчилик профессионал пенсияларни ҳисоблашда белгиланган тўловлар механизмидан фойдаланилади, яъни тўланадиган пенсия миқдори аниқланган охириги иш ҳақи улуши билан мувофиқ бўлишидир. Шунингдек, белгиланган бадаллар миқдори билан боғлиқ

тизимдан ҳам фойдаланилади, бунда фойда миқдори фақатгина ҳақиқатдаги пенсия тузатишлари учун маълум бўлади ва бадаллар миқдори, инвестиция фаолиятдан даромад, пенсияга чиқиш ёши ва бошқалар билан боғлиқ бўлади.

Буюк Британия пенсия таъминотида аҳолини қўшимча пенсиялар билан таъминлашда суғурта компаниялари муҳим ўринга эга. Бунда улар фаолияти шахсий суғурта идоралари билан шартномалар тузишдан бошланиб, профессионал тизимдаги пенсияларни таъминлаш билан якунланади.

**Қозоғистон.** Бу мамлакат МДҲ давлатлари ичида пенсия таъминоти фаолияти энг илғор бўлган давлатлардан ҳисобланади. Асосан Қозоғистон мажбурий жамғариб борилувчи пенсия тизимини биринчилардан бўлиб амалга оширди. Ҳозирги кунда бу мамлакатдаги пенсия тизими кўп поғонали ҳисобланади ҳамда ўзида тақсимлаш ва жамғариб бориш тизимларини мужассамлаштиради. Пенсияларни оладилар: тақсимлаш тамойилига асосан ва 1998 йилдан бошлаб амалга киритилган жамғариб борилувчи пенсиялар. Мамлакатда 2019 йилдан кейин тақсимлаш тамойилига асосланган пенсия тури тугатилиб, 2039-2040 йилларгача тўлиқ жамғариб борилувчи пенсия тизимига ўтилиши режалаштирилмоқда<sup>1</sup>. Қозоғистонда йиллик энг кам пенсия тасдиқланади. Агарда тақсимланувчи ва жамғариб борилувчи пенсиялар энг кам пенсия миқдоридан кам бўлса, у ҳолда пенсионерга энг кам пенсия берилди.

Жамғариб борилувчи пенсия тизими ишчи даромадининг 10 % миқдоридаги мажбурий пенсия бадаллари билан молиялаштирилади. Қозоғистонда жамғариб борилувчи пенсия тизими уч поғонада ҳимоя қилинади:

1. Жамғариб бориладиган пенсия фондларидаги мажбурий пенсия тўловлари сақланишининг давлат кафолати – пенсия олиш ҳуқуқи пайдо бўлиши билан пенсия бадал-

лари инфляция суръатлари билан индексация қилинади.

2. Пенсия активларини бошқарувчи ташкилотлар ва пенсия фондларининг кафолатлари.

3. Инвесторлар ҳуқуқлари ўз жамғармалари учун шахсий суғурталашни амалга ошириш ва пенсия активларининг жамоавий суғурталанган тизимини ташкил этиш имконияти орқали ҳимоя қилинади.

Ушбу республикада пенсия тўловининг янги тизими жорий қилинди: пенсия ёшига етган пенсионер ўз пенсиясини пенсия фонди ёки суғурта компаниясидан олиши мумкин. Асосан оғир ва хавfli ишларда банд бўлган ишчилар учун қўшимча мажбурий пенсия таъминоти жорий қилинди. Пенсия бадалларини иш берувчи тўлайди, бунинг эвазига солиқдан имтиёзларга эга бўлади.

Пенсия тизимининг самарадорлиги макродаражада тизимли амал қилишининг ижтимоий-иқтисодий мақсадга мувофиқлигини ва инсон омилини такрор ишлаб чиқариш жараёнининг давлат томонидан тартибга солиниш даражасини акс эттиради. Пенсия таъминотидаги институционал ўзгаришлар самараси, аввало, уларнинг қандай ижтимоий институтлар ва механизмларга таяниши, қандай ижтимоий дастурлар ва индикатордан фойдаланилишига ҳамда тартибга солиниш хусусиятларига боғлиқ.

Пенсия тизимининг самарадорлиги, маблағларни жалб қилиш ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш мақсадида ишлатилиш даражасини ифода этади. Жаҳонда мавжуд шарт-шароитлар, яъни кексайиб бораётган аҳолининг кўпайиб, меҳнатга қобилиятли кишилар улшининг камайиб бориши, ногиронлар ва пенсионерларнинг катта миқдорда бўлиши, юқори даражадаги ишсизликнинг мавжудлиги ва ўртача нафақа даражасининг нисбатан пастлиги – буларнинг барчаси тақсимланувчи давлат пенсия тизимини самарасиз қилиб қўяди.

Жаҳон тажрибасида хусусий пенсия жамғармаларининг иккита: фуқароларнинг ихтиёрий ва мажбурий равишда иштирок этиши

<sup>1</sup> [http://magazines.russ.ru/oz/2005/3/2005\\_3\\_15.html](http://magazines.russ.ru/oz/2005/3/2005_3_15.html) сайти маълумотлари.



назарда тутилган турлари мавжуд. Иштирок этиш мажбурий бўлган жамғармалар давлатнинг пенсия дастурларини амалга оширилишини таъминлаш мақсадида ташкил этилса, хоҳишига кўра амалга оширилувчи пенсия жамғармалари эса ишчиларни қўшимча пенсия билан таъминлаш мақсадида ташкил қилинади. Ҳар иккала турдаги жамғармалар ҳам фақат жамғаришга асосланган пенсия тизими асосида ташкил қилинади ва пенсия ҳамда нафақаларни тўлаш ишчининг ўз ҳисоб рақамига тўпланган маблағлари асосида амалга оширилади.

Бизнинг мамлакатимизда ҳам ижтимоий ҳимояни молиялаштиришда бир қатор муаммолар мавжуд бўлиб, уларни ҳал қилишда хорижий мамлакатлар амалиётидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Бунда қуйидагиларга эътибор қаратиш лозим, деб ўйлаймиз:

- мажбурий ижтимоий суғурта бадалларининг ҳар бир ходим учун шахсий ҳисобварақ шаклида жамғарилишини таъминловчи механизмни такомиллаштириш;

- суғурта бадалларини тўлашда унинг тўлаб борилганлик муддатига бўлган талабни, яъни «суғурта стажи»ни жорий этиш;

- қоплаш коэффициенти ошириш орқали ижтимоий фаровонликни ошириш.

Республикаимизда пенсия таъминоти тизимини қамраб олиш имкониятларини баҳолаш, пенсия тизимининг жозибадорлигини оширувчи кўрсаткичларга алоҳида эътиборни қаратиш лозим, деб ўйлаймиз. Бу эса ўз ўрнида, тизим фаолиятини янада аниқ шакллантириш ва такомиллаштиришга шароит яратувчи пенсия тизимини баҳолаш мезонлари билан изоҳланади. Улар сирасига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- ижтимоий ҳимоянинг минимал мезонида халқаро стандартларини инобатга олиш;

- мажбурий ижтимоий суғурта ривожланиши билан боғлиқ муаммоларни тизимлашган ҳолда ҳал этиш;

- белгиланган пенсия миқдорини манфаатдор томонидан назорат қилиш имкониятини яратиш;

- мажбурий ижтимоий суғуртанинг ҳуқуқий-меъёрий базаси тўлиқлиги ва барқарорлигини ошириш;

- суғурта бадалларининг йиғилувчанлигига эришиш;

- суғурталовчилар томонидан фуқароларга суғурта тўловларини амалга оширишдаги узилишларнинг бўлмаслигини таъминлаш.

Ҳозирги кунга келиб курраи заминимизда 60 ёшдан ошганларнинг улуши ошиб бормоқда. БМТ маълумотларига кўра, 2025 йилга келиб уларнинг сони 1 миллиард 100 минг кишига етади. Бу эса 1950 йилга нисбатан 5 марта кўп демакдир. Айни пайтда ер шари аҳолиси фақат 3 марта кўпайиши кутилмоқда<sup>1</sup>. Дунё аҳолисининг бундай таркибий тузилиши хорижий мамлакатларда, шунингдек МДҲ мамлакатларида ҳам қарияларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқишни тақозо этмоқда. Мамлакатимизда 2020-2030 йилларга бориб пенсия ёшидагиларнинг умумий аҳоли сонига улушининг ортиши харажатларни манзилий ўналтиришни такомиллаштириш ва даромадларни табақалаштиришни тақозо этади. Шу сабабдан ижтимоий ҳимоянинг муҳим бўлаги ҳисобланмиш пенсия тизимида мавжуд камчиликларнинг бартараф этилиши, хусусий жамғариб бориладиган пенсия таъминотининг такомиллаштирилиши баробарида пенсия тизими маблағларидан самарали фойдаланишга имконият яратилади. Тавсия этилган мазкур чора-тадбирлар, биринчидан, харажатлар мақсадлилигини таъминласа, иккинчи томондан, аҳоли, айниқса, кекса авлодни ижтимоий ҳимоя қилишнинг янада ривожланган босқичини юзага келтириши мумкин.

<sup>1</sup> Маҳкамова Ш. Қарияларни ижтимоий ҳимоя қилишнинг хорижий тажрибаси. // «Молиячи», 2015, 7-8-сонлар. –4-6.

**Адабиётлар:**

1. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. // Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси. // «Халқ сўзи», 2017 йил 16 январь.
2. Ваҳобов А.В. Бозор муносабатларига ўтиш босқичидаги кўп укладли иқтисодиёт ва унинг такроран ҳосил бўлиши. – Т.: «Молия», 2002. –36-б.
3. Маҳкамова Ш. Қарияларни ижтимоий ҳимоя қилишнинг хорижий тажрибаси. // «Молиячи», 2015, 7-8-сонлар. –4-б.
4. John W.R. Phillips Social Security Programs Throughout the World: Europe, 2016. P. 4, ISSA.
5. Jun Peng. State and Local Pension Fund Management. – USA.: «Auerbach Publications», 2008. P. 3.
6. John W.R. Phillips Social Security Programs Throughout the World: Europe, 2016, P. 21, ISSA.
7. [http://magazines.russ.ru/oz/2005/3/2005\\_3\\_15.html](http://magazines.russ.ru/oz/2005/3/2005_3_15.html).